

Таҳкийм

00:00 / 14.02.2017 4189

Аллоҳ таоло: «**Агар икковларининг оралари бузилишидан қўрқсангиз, эрнинг аҳлидан бир ҳакам, хотиннинг аҳлидан бир ҳакам ажратинг. Агар улар ислоҳни ирода қилсалар, Аллоҳ эр-хотиннинг орасини мувофиқлаштиради. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор Зотдир**», деган (Нисо, 35).

Шарҳ: Бу ояти каримада келишмовчилик ҳам эр, ҳам хотин томонидан чиққан пайтида кўриладиган чора ҳақида гап кетмоқда. Бу ҳолатда оиланинг сирини ташқарига чиқармасдан келишмовчиликни ҳал этиш иложи қолмаган бўлади. Энди бошқаларни аралаштириб бўлса ҳам оилани сақлаб қолишга ҳаракат қилиш зарур. Бунинг учун эр ўзи рози бўлган бир қариндошини, хотин ҳам ўзи рози бўлган бир қариндошини ҳакам этиб тайин қилади. Эр-хотиннинг ҳакам чақиришга, ҳакамнинг шахсига рози бўлиши шарт кейинчалик ҳакамлар чиқарган ҳукмдан рози бўлишлари шарт эканлигидан келиб чиққандир. Ўзи рози бўлиб тайин қилган ҳакамнинг ҳукмини амалга оширишдан бошқа иложи қолмайди. Агар ҳакам унинг розилигисиз тайин қилинган бўлса, бу менинг розилигимсиз қилинган ҳакам, у менга қарши иш кўрди, мен унинг ҳукмини қабул қилмайман, дейиши мумкин.

Албатта, мазкур икки ҳакам мусулмон, эркак, одил, мукаллаф, диний аҳкомлардан хабардор, ни-коҳ, талоқни тушунадиган кишилар бўлиши шарт. Ҳакамларнинг қариндошлардан бўлиши, эр-хотинни яхши билишлари, уларнинг сир-асрорларидан хабардорликлари, қандоқ муомала муносиблигини билишлари юзасидандир.

Табиийки, икки ҳакам ҳам Аллоҳдан қўрққан ҳолда, адолатли ҳукм чиқариш учун ҳаракат қилишлари керак. Ҳакамларнинг асосий вазифалари эр-хотин орасини ислоҳ қилишдир.

Шунинг учун ҳам ояти каримада агар улар ислоҳни ирода қилсалар, деб ҳакамларга ислоҳчилик нисбати берилмоқда. Худди шу тушунчадан келиб чиқиб, баъзи уламолар ҳакамларга фақат яраштириш-ислоҳ ҳуқуқи берилган, дейдилар.

Бошқа уламолар эса, ҳолатни яхшилаб ўргангач, ислоҳ қилишнинг иложи йўқлигига амин бўлишса, эру хотинни ажратиб қўйсалар ҳам ҳақлари бор, шунингдек, ҳакамлар тегишли жазо чораларини, молу мулкка оид масалаларни ҳам ҳал қилишади, дейдилар.

Бу чора ҳам Исломда оилани бузмаслик учун иложи борича ҳаракат қилишга уриниш борлигини кўрсатиб турибди.

Бир эр ва хотин Али розияллоҳу анҳунинг олдиларига келишди. Икковларининг ҳар бири билан бирга бир тўпдан одам бор эди. Бас, Али уларга эрнинг аҳлидан бир ҳакам, хотиннинг аҳлидан бир ҳакам чиқаришга амр қилди. Кейин ҳакамларга:

«Икковингиз вазифангиз нима эканини биласизми? Агар жамлашни раво кўрсангиз, қилинг. Агар ажратишни раво кўрсангиз, қилинг», деди.

Аёл зараримга бўлса ҳам, фойдамга бўлса ҳам Аллоҳнинг ҳукмига розиман, деди.

Эр бўлса, ажратиш бўлса рози эмасман, деди.

Шунда Али розияллоҳу анҳу:

«Ёлғон айтибсан! Аллоҳга қасамки, ҳатто у(аёл) иқрор бўлган нарсага иқрор бўлмасанг бўлмайди!» деди!.

Имом Шофеъий ривоят қилган. Валлоҳу аълам.

Шарҳ: Демак, ҳакамлар иш бошлашидан олдин эр-хотин ўз розилиklarини тўлиқ изҳор этишлари керак. Ҳакамлар эр-хотин орасини аж-ратиш ҳақиға ҳам эгалар.